



XXI асрда Хоразмшохлар давлати дунёнинг энг бой давлати эди. Бугунги Эрон, Покистон, Афғонистон ва Ўрта Осиёнинг каттагина худуди бу давлат чегаралари ичидаги колиб кетарди. Буюк давлатнинг буюк ташвишлари бўлишини Мухаммад Хоразмшоҳ биларди...

Буюк Ипак йўли Хоразмшохлар хазинасига жуда катта даромад келтирадиган манба бўлган. Хитой, Хиндистон, Олд Осиё, Рус ерлари хатто Гарбий Европадан савдогарлар савдо-сотик марказига айланиб улгурган Марв, Бухоро ва Самаркандга кўплаб ташриф буюради. Самарканд ярим миллиондан ортиқ ахолига эга йирик шахарга (ўша замонларда Париж ва Лондон ахолиси нари борса 30-40 мингга зўрга етган) айланиб улгурган, бозорида дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган маҳсулотлар кўп эди. Шунингдек, у Ислом дунёсида илм-фан ва маданият маркази сифатида шухрат козонган эди. Иктисадий жихатдан хам жуда бакувват бу юртнинг кетма-кет муваффакиятли юришлар натижасида сарҳадлари анча кенгайиб, деярли бутун Европа худудига тенг келар эди. Салб юришлари даврида Франция, Германия, Англия каби ўлкаларнинг умумий кўшини 50 минг кишидан иборат бир пайтда Хоразмшоҳ ихтиёрида жуда яхши куролланган 500 минг зирхли кўшин шай туради.

Бир куни шохга нохуш хабар келади. Эътиборсиз кўринган бу хабар хукмдорни ўйлантириб кўйди. Шарқда 3000 км узокликда янги бир куч пайдо бўлганди. Бу куч насл-насабининг тайини йўқ, чодирларда яшовчи кўчманчи мўгуллар кироллиги эди. Бу ярим ёввойи кабилаларни 1206 иили ўзини «хонлар хони» деб эълон килган Чингизхон (Темучин) бирлаштирган эди. У кўшини билан Шимолий Хитойнинг бой вилоят ва шахарларини забт этиб улгурган эди. Корахитойлар Кушлук бошчилигига Чингизхонга карши исён кўтарганда Хоразмшоҳ корахитойларни яширинча дастаклаш билан мўгуллар давлатини парчалаб ташламокчи бўлади. Чингизхон 20 минг кишилик кўшин жўнатиб каттиқўллик билан исённи бостиради. Корахитойлар исёни бостирилгач, Хоразмшоҳ жиддий ташвишга тушади.

Ўша кезлари Мухаммад Хоразмшохнинг онаси Турконхотун ўз атрофига кангли-кипчок зодагонларидан хукмдорга карши фитна гурухи тўплаб, таҳтни эгалламокчи бўлади. Сарой ахли орасида хукмдорнинг обрўси кун сайин тушиб борар эди. Савдогарлар киёфасида Ўрта Осиёга келиб кетаётган мўгул жосуслари калъа, дарё кечувлари ва вилоят хокимлари ўртасидаги муносабатларни яхшилаб ўрганиб чикадилар. Хоразм лашкари сони ва жойлашган ерлари хакидаги аник ва кимматли маълумотлардан кейин Чингизхон узок ўйлаб, Ўрта Осиё юришига тайёрланиш учун фармон беради. 100

Муаллиф:

26.08.2013 19:02 -

---

мингдан сал кўпроқ кўшини бўлган Чингизхон нима сабабдан бундай нозик карорга борган эди? Буни куйидаги сабабларда кўриш мумкин:

1. Хоразмшохлар давлатида марказий хокимият билан вилоят хокимлари ўртасида бирлик йўқ эди (кўп вилоят хокимлари Турконхотуннинг кабиладошлари бўлган).
2. Саркардалар ичida ўзига карши гурух вакиллари борлигидан шубхаланган Хоразм хукмдори кўшинни бир неча кисмга бўлиб, мамлакатнинг турли томонларига хар хил баҳоналар билан жўнатиб юборган эди.
3. Чингизхон тарихда биринчи бўлиб кўшинни ўнлик, юзлик, минглик ва ўн минглик кисмларга бўлиб чиккан эди.

Бу усул жанг мобайнода аник бир кисмни кийинчиликсиз бошкариш имконини яратди. Чингизхон факат кайси бўлинмани жангнинг кайси кисмига бориши кераклигини, кайси кисм ёлғондан чекиниши, ёки кайси кисм душман кўшинига оркадан зарба бориши лозим эканини бир оғиз гап билан тушунтира оларди. Хар бир мўгул жангчиси жанговор тартибда ўз ўрнини аник билган. Деярли 100 фоиз суворийлардан ташкил топган кўшин жангга ўз ўнлиги билан бирга кирган. Агар харбий кисмдагилар чекиниб, бир кисм аскарлар асирга тушса, кочиб келганларнинг барчаси биродарини жанг майдонида ташлаб кочгани учун катл этиларди. Шу сабабдан мўгул кўшинида деярли чекиниш бўлмаган.

4. Шимолий Хитойни кўлга киритган Чингизхон кўшинини Хитойнинг илгор техник куроллари - манжаник, нафтандоз ва замбараклар билан кайта жихозлаган эди. Унинг кўшинига Хоразмшохлар давлатининг калъа деворлари тўсик бўлолмасди.
5. Кўпинча Чингизхон лашкарни икки зарбдор кисмга бўларди. Бири жанг килаётганда иккинчиси хордик чикарап, кейин эса ўрин алмашиниш оркали душманга дам олиш, кучларни кайта ташкиллашга фурсат берил-мас эди.
6. Чингизхон ўз кўшинининг тезкорлигига каттik ишонар эди. Душман мўгул лашкарини олти кундан кейин етиб келишини кутаркан, уларни икки-уч кунда каршиларида кўргач жиддий саросимага тушиб коларди.

1218 йили Чигизхон Урганчга кўп микдорда кимматбахо моллар ортилган 500 түя хамда 450 мусулмон савдогардан иборат жуда катта савдо карвони ва элчиларини жўнатади. Карvon Урганчга етиб бормай чегара шахри Ўтрор хокими Имолчик томонидан талон-тарож килинади. Урушга хар томонлама тайёргарлик кўрган мўгуллар хукмдорига Ўрта Осиёning бой ва обод вилоятларига бостириб кириши учун бир баҳона етишмаётган эди холос. У кимматбахо моллар ортилган карвонни сокчиларсиз, золим ва очкўз хокими билан танилган Ўтрор оркали жўнатилишини олдиндан режалаштирган эди.

Чингизхон Мухаммад Хоразмшох хузурига Ибн Кафрож Бугрони элчи сифатида юбориб Хоразм маъмурларидан хисобланган Ўтрор ноибининг хатти-харакатидан норозилигини, Имолчикни туттириб, унинг ихтиёрига жўнатилишини талаб килади. Кабул килиб бўлмас бу талабларни эшиттан Мухаммад Хоразмшох элчини ўлдиришни, у билан бирга келган икки мулоzимининг сокол-мўйловини кириб, шармандаларча кайтариб юборишни буюради. Шу билан элчилик алоказлари узилиб, уруш бошланади.

Шаркий Туркистон ва Еттисувда пайдо бўлган уруш тахликасига карши чора-тадбирлар кўриш учун дархол тайёрланиш зарур эди. Хоразм давлатида камал куроллари ва уларни

Муаллиф:

26.08.2013 19:02 -

---

ишлатишни яхши биладиган мохир сарбозлар кўп эди. Уруш узок муддатга чўзилгудек бўлса хам мудофаачилар учун етарли даражада озик-овкат ва ём-хашак мавжуд эди. Аскарларнинг умумий сони жихатдан шубхасиз Хоразмшох бирмунча устунрок хам эди. Афсуски, подшох билан саркардалар ўртасида мавжуд ихтилофлар аввал бошданок бундай устунликдан фойдаланишга имкон бермади. Харбий кенгашда улар ўртасидаги ихтилоф яккол намоён бўлди. Кенгашда душманга зарба беришнинг ягона режасини яқдиллик билан белгилаб олиш ўрнига фикрлар бўлиниб кетди. Хива вакили саркарда Шахобиддин Хивакий бор кўшинни Сирдарё бўйига тўплаб, мўгулларни карши олиш, узок йўлдан толикиб келаётган душманга ўзини ўнглаб олмасдан туриб, янги куч билан тўсатдан зарба бериш хакида ягона тўгри фикрни баён килади. Бирок Хоразмшох бундай маслахатни кабул килмайди. Чунки у ўзининг олий лашкарбошилари бўлган кипчок саркардаларига тамоман ишончсизлик билан карап эди. Харбий кенгашда бўлажак урушда мудофаа тактикасини кўллашга карор килинди. Хоразмшох мўгулларнинг асосий зарбаси Мовароуннахрнинг маркази - Зарафшон водийсига каратилса керак деб ўйлаган эди. Шунинг учун хам Самарканд ва Бухоро шахарларини мустахкамлашга буйруқ берди. Самаркандинг ташки деворини кайта куриш максадида шахар ахолисидан хатто бир йил ичida уч марта хирож йигилди. Шунга карамай Хоразмшох мудофаага тайёр эмас эди.

1219 йилнинг кузида Чингизхон 200 минглик кўшин блан Хоразмшохга карши юриш бошлади. Шахарлар мудофаасига бўлиб юборилган таркок лашкар тезкор ва шавкатсиз душман томонидан бирин-кетин кириб ташланади. Дастрлабки зарба Ўтрорга берилади. Чингизхон кўшинни бир неча кисмга бўлиб, турли йўналишларда юриш бошлайди. Бир вактнинг ўзида мўгул лашкари бир неча шахарни камал килиб забт этади.

Ахоли орасида «мўгулларни енгиш имконсиз, яхшиси жангсиз таслим бўлсак, бизларга шафкат килишади», деган вахимали гаплар таркатила бошланди. Душманга жангсиз таслим бўлган Зеринук, Нур калъалари ва Ўзган шахри талон-торож килинади.

Каршилик кўрсатган бир неча шахар ахолиси бутунлай кириб ташланади. Баъзи шахарларда эса куролланган ахоли киличдан ўтказилиб, колганлари кул килиб сотилади. Шахарларнинг бирин-кетин таслим бўлгани хакидаги хабарлардан эсанкираб колган Мухаммад Хоразмшох вахимага тушиб, хокимият жиловини кўлдан чикариб юборади. Чингизхон мохир кўмандони Субутайга сара жангчилардан иборат 20 минг кишилик лашкари билан Мухаммад Хоразмшохнинг калласини олиб келиш вазифасини юклаганидан хабар топгач, ортига карамай кочади. Бу «кувлашмачок» Хурсон, Эрон оркали давом этади. Охири Мухаммад Хоразмшох тахтдан воз кечиб, Каспий денгизи жанубидаги Ашура оролига кочиб боради. Шу оролда у руҳий касалликдан вафот этади. Тахт вориси Жалолиддин Мангуберди, Хўжанд хокими Темурмалик, Урганч ахолиси орасида обрўи баланд шайх Нажмиддин Кубролар мўгулларга карши мудофаани тиклашга канчалар уринмасинлар фурсат кўлдан бой берилган эди. Турконхотун ва кипчок лашкарбошилари тайёрлаётган навбатдаги фитнадан хабар топган Жалолиддин Урганчни хам тарк этиб, Хурсонга кетади. Мохир саркарда сифатида танилиб ултурган Жалолиддин Парвона даштида Шики Хутуху Нўъённи 45 минг кишилик аскари билан кириб ташлайди. Жангдан кейин ўлжа таксимлашда лашкарбошилар ўртасида келишмовчилик келиб чикиб, кўшин парчаланиб кетади. Фурсатдан фойдаланган Чингизхон Жалолиддин устига кўшин бошлаб келади. 1221 йилнинг 25 ноябрида Хинд дарёси бўйидаги жангда Жалолиддин Чингизхон кароргохига бостириб киради. Чингизхонни мукаррар ўлимдан ёрдамга этиб келган «кешик» деган сара кўшин куткариб

Муаллиф:

26.08.2013 19:02 -

---

колади. Маглубиятга учраган саркарда онасининг олдиндан килган васиятига кўра рафиқаси, онаси ва болаларини дарёга ташлашга амр этади. Ўзи эса 4 минг кишилик аскари билан Хинд дарёсининг нариги киргогига ўтиб олади (дарёнинг бу жойи хозирда «от сакраш» деб аталади). У Эрон ва Кавказда кучли давлат тузмокчи бўлади, лекин хар иккала жойдаги илк галабадан кейинок ўлжа таксимлаш масаласида келишмовчиликлар сабабли кўшин таркалиб кетаверган. Жалолиддин 1231 йили вафот этгунча мўгулларга карши курашини давом эттиради.

Мўгуллар истилоси окибатида Мовароуннахр ва Хоразмнинг гавжум ва кўркам шахарлари харобазорга айланди. Самаркандин ичимлик суви билан таъминлаб турувчи ягона сув иншоот - Кўргошин новаси ва калъя деворлари (кейинчалик Амир Темур томонидан тикланган), Марв вохаси сугориш тармокларининг бош тўғони - машхур Султонбанд бузиб ташланди. Самаркандликлар 1750-1800 йил давомида ота-боболари яшаб келган ўз она шахарларини тарк этиб чикиб кетишли. Марв ахолиси эса сувсизликдан куриб бораётган кишлокларни ташлаб, ўзга ерларга бориб жойлашди. Воха кимсасиз даштга айланди. Урганч сувга бостирилиб, батамом вайрон этилди. Зироатчи ахолининг кескин камайиб кетиши окибатида дехкончилик таназзулга юз тутди. Юз минглаб мохир хунарманд ва усталар Мўгулистанга хайдаб олиб кетилди. Осиёнинг хеч бир ўлкаси мўгул боскинини Жайхун ва Сайхун оралигидаги вилоятлар каби даҳшатли даражада хис этмади. Чунки бу жангари кўчманчилар Мовароуннахрда юксак хунармандчилик, ички ва ташки тижорат хамда сугорма зироатчилик билан касб этилган асосли идора усулини биринчи марта кўрдилар. Талон-торож, зўрлашга бўлган чанкокларини илк бор шу ерда кондирдилар.

Асрлар давомида Хитой ва Хиндистандан Улуг Туркистон оркали Кичик Осиё ва Европа томон кесиб ўтган машхур «Ипак йўли» мўгуллар боскини даврида бутунлай бархам топди. Бу даврда илм ва маърифатга етказилган жароҳат хам оз бўлмади.

Бу боскинда Ўрта Осиё ахолисининг 75 фоизи киличдан ўтказилган эди. Биргина нотўгри берилган карор сабабли Хоразмшохлар давлати бархам топди. Ўрта Осиё тараккиёт борасида бир неча юз йилга ортга кайтди. Кизикарли бир факт: мўгуллар бутун тарих давомида бир марта - Чингизхон хукмронлиги даврида боскинчилик урушлари олиб боришган экан холос.

Агар Хоразмшохлар салтанати мудофааани тўгри ташкиллаштирганда XIV асрнинг 70-йилларигача давом этган истило хам бўлмас эди. Рус халки 1480 йилгача мўгулларга бош эгмаган, марказий Европанинг кок ўртасидаги Вена шахри (хозирги Австрия республикаси пойтахти) мўгул лашкари хужумидан даг-даг титрамаган бўларди. Шу биргина хато сабабли миллионлаб одамнинг ёстиги куриб, йирик маданият марказлари вайрон килинди.

Каримжон МАМАЖОНОВ